

Ийд намозининг ўқилиши | Фиқҳ дарслари (260-дарс)



19:00 / 14.12.2023 2582

Санодан кейин қўлини кўтариб, уч марта такбир айтади. Иккинчи ракъатда қироатдан кейин такбир айтади.

Бу икки жумлада одатда одамлар кўп адашадиган ҳукмлар зикр қилинган. Бошқа тарафлари оддий намозларга ўхшаш бўлганидан, ийд намози батафсил васф қилинмаган.

Шу жойда ҳанафий мазҳаби бўйича ийд намози қандай ўқилиши тўла васф қилинса, фойдадан холи бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

Аввал намоз бошланишини, сафларни ростлаш кераклигини эълон қилинади. Кейин ийд намозини ўқиш ният қилинади. Сўнгра эҳром такбири айтилиб, қулоқ қоқиласди. Қўл боғлаб, киндик остига қўйилади. Имом ҳам, қавм ҳам «Субҳанакаллоҳумма»ни ўқийдилар. Кейин имом билан қавм уч марта такбир айтадилар. Ҳар такбирда қўл қулоқнинг юмшоқ жойигача кўтарилиб, сўнг ёнга тушириласди. Бу такбирларни «зиёда такбирлар» деб айтилади. Ҳар такбирдан кейин уч марта тасбех айтгунча муддат турилади. Кейин икки қўл боғланиб, киндик остига қўйилади. Сўнгра имом ичидаги «аъгуузубиллаҳ» ва «бисмиллаҳ»ни айтиб, Фотиҳа сурасини ва замурани овоз чиқариб ўқийди. Зам сура Аълаа сураси бўлиши мандубдир. Кейин рукуъ ва сужуд қилиниб, иккинчи ракъатга турилади.

Иккинчи ракъатда ҳам имом овоз чиқариб, Фотиҳа сураси билан зам сура ўқииди. Зам сура Фошия сураси бўлиши мандубдир. Қироатдан кейин имом ва муқтадийлар яна уч марта зиёда такбирларни худди аввалгидек: қўлларини кўтариб, орасида уч марта тасбех айтилгунча муддат туриб, айтадилар. Кейин яна бир такбир айтиб, рукуъга кетилади ва намозни охиригача ўқилади, сўнг салом берилади.

Узр бўлса, эртасига ўқииди.

Мисол учун, булут туфайли ҳилолни кўриб бўлмади. Кейин бошқалар заволдан кейин ҳилолни кўрганлари ҳақида гувоҳлик бердилар. Бу ҳақдаги ҳадис яқиндагина ўтди.

Уни имом ўқиганидан кейин ҳеч ким қазосини ўқимайди.

Ийд намози қазо қилинмайди.

Қурбонлик худди Фитр кабидир.

Яъни икки ракъатлигида ҳам, такбирларида ҳам ва бошқа нарсаларида ҳам.

جُمْعَةٌ لِّلْرَمْضَانِ الْأُتْمَى
رُطْفَلُ الْأُتْمَى لِّلْرَمْضَانِ الْأُتْمَى
حُصْلُ الْأُتْمَى لِّلْرَمْضَانِ الْأُتْمَى
رَفْسُلُ الْأُتْمَى لِّلْرَمْضَانِ الْأُتْمَى
رُصْقُ رِيَغْ مَمَّاتِنْ أَتَعْلَمُ
لِّلْرَمْضَانِ الْأُتْمَى يَبْنَلِ

هَوْرَ مَلَسَ وَهُيَلَعُ هَلَلَا
هَجَامُ نْبَأَوْ يَئِاسَنَلَا
يَقْهِي بَلَاوْ

Умар розияллоҳу анҳу:

«Жума намози икки ракъатдир. Рўза ҳайити намози икки ракъатдир. Қурбон ҳайити намози икки ракъатдир. Сафар намози икки ракъатдир, тугалдир, қаср эмасдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидандир», деди».

Насоий, Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Лекин намозни ўқигунича таом ва шаробдан ўзини тийиши мандубдир.

لَاقُونَعُهَلَلَا يَضَرَ سَنَأَنَعَ
هَلَلَا يَلَصَهَلَلَا لُوسَرَنَأَكَ
مَوَيْ وَدْعَيْ أَلَمَلَسَ وَهُيَلَعَ
تَأَرَمَتَلُكَيْ يَتَحَرْطَفَلَا
يَرَخْبَلَا هَوْرَ مَلَسَ وَهُيَلَعَ
نَأَكَ هَيَأَورَ يَفَوْ يَذْمَرَتَلَاوْ
يَتَحَرْطَفَلَا مَوَيْ جَرْخَيْ أَلَ

وَيْمَعْطِي الْمُؤْمِنِينَ الْحَصْرَ تَحْسِيْلَهُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни бир неча хурмо емасдан туриб чиқмас эдилар. Тоқ ер эдилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:

«Фитр куни таом емасдан олдин чиқмас эдилар. Қурбонлик куни намозни ўқиб бўлмагунча емас эдилар», дейилган.

Қурбон ийдида ҳеч нарса емасдан намозга чиқилади. Ўша куни биринчи таом учун ҳар ким ўзи қиласиган қурбонликнинг гўштидан еса яхши бўлади.

Йўлда овоз чиқариб такбир айтади.

Уйдан масжидга етиб боргунча босиб ўтиладиган йўлда овоз чиқариб такбир айтиб борилади.

Ийдга бир йўл билан бориб, бошқа йўл билан қайтиш мустаҳабдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.